

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
июнь

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЮСУПОВА, М.РАҲМОНҚУЛОВА

Вазифаларни баҳолаш учун функцияларнинг хусусиятларидан фойдаланиш 5
М.АБДУМАННОПОВ

Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Бицадзе-Самарский ва биринчи тур интеграл шартли масала..... 10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ, Ш. ХОЛДОРОВ

Чўзилувчан камарли узатувчи механизм таранглигини ҳисоблашнинг бир усули ҳақида 14

КИМЁ

Л.ИЛЬИНА, Г.ЛАПТЕВ, Е.ИЙЛДИРИМ, С.ЗАЙЦЕВ

Кортекснинг ишлов берилмаган микроорганизмларини молекуляр генетик таҳлил қилиш учун ДНКни изоляциялаш ва тозалаш усулларини оптималлаштириш..... 20

Х.ХАЙТБАЕВ, Б.БАБАЕВ, И.ЮЛДАШЕВ, А.ХАЙТБАЕВ

Трифенилфосфин бромидли комплекс туз синтези 24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Б.ШЕРАЛИЕВ, З.ПЕНГ

Сирдарёдан тутилиб ўрганилган оддий қора балиқнинг Schizothoraxcurvifrons (Heckel, 1838) тана массаси ва тана узунлиги ўртасидаги боғлиқлик ҳамда нисбий тўйинганлик коэффициенти..... 27

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.ПИРНАЗАРОВ

Ўрта Осиёдаги тўғонли кўллар ва уларнинг генезиси ҳақида..... 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ

Сифат – иқтисодий ўсиш омилларидан бири 36

А.ФОФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Кимё саноатини модернизация қилиш ва уни самарали ишлатишнинг инновацион жараёнига оид халқаро тажриба..... 40

ТАРИХ

С.ХОШИМОВ

Шўро ҳокимиётининг Бухородаги куч ишлатиш органлари тарихидан 45

Б.УСМОНОВ

Чукалак жанги 49

Х.ЖЎРАЕВ

Россия империясининг Фарғона водийсига рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати тарихидан. (“Туркистон тўплами” манбалари асосида) 53

С.ИУЛДОШЕВ

Халқ ўйинлари- маънавий тафаккур омили 56

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

У.НАЗИРОВ

Этномаданият ривожида анъананинг ўрни 60

ТАРИХ

УДК: 93/99+300.45

ШЎРО ҲОКИМИЯТИНИНГ БУХОРОДАГИ КУЧ ИШЛАТИШ ОРГАНЛАРИ ТАРИХИДАН

С.Хошимов

Аннотация

Мақолада Шўро ҳокимиётининг Бухородаги куч ишлатиш органлари: инқилобий трибуналлар, ЧК, ГПУ ходимларининг ерли халқа нисбатан юритган репрессив сиёсати ёритилган.

Аннотация

В статье освещена история репрессивной политики силовых органов советского правительства в Бухаре: революционных трибуналов, ЧК, ГПУ по отношению к местному населению.

Annotation

The article considers the history of the repressive policy of the force agencies of the Soviet government's in Bukhara, the revolutionary tribunals, ChK, the GPU in relation to the local population.

Таянч сўз ва иборалар: инқилобий трибуналлар, ЧК, ГПУ, диктаторлик комиссияси, қатагон, Шарқий Бухоро, Гарбий Бухоро, амирлик.

Ключевые слова и выражения: революционные трибуналы, ЧК, ГПУ, репрессия, Диктаторская комиссия, Восточная Бухара, Западная Бухара, эмират

Keywords and expressions: revolutionary tribunals, ChK, GPU, repression, Dictatorship commission, Eastern Bukhara, Western Bukhara, emirate.

Совет ҳукуматининг Бухорода олиб борган ҳарбий, сиёсий репрессиялари Туркистон ва Хоразмдагидан қолишмади. Амирлик тузуми ағдарилгач, олдинги суд тизими тугатилиб, ўрнига маҳаллий халқ судлари билан биргаликда “инқилобий” ҳарбий трибуналлар ташкил топди.

1920 йил 20 сентябрда БХСРда махсус қарор асосида БХСР Олий ҳарбий-инқилобий трибунали ташкил этилди [1.18]. 1920 йил 20 ноябрда БХСР Олий ҳарбий-инқилобий трибуналининг вақтли низоми тасдиқланди. Трибунал БХСР Инқилобий қўмитаси қошида “Бухорода совет ҳукуматини мустаҳкамлаш, совет тузумига қарши аксилинқилобий ва бошқа ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида” ташкил этилди, деб ёзилади [2.31].

БХСР Олий ҳарбий-инқилобий трибунал Бухоро ревкоми қошида унинг раиси, раис ўринбосари ва икки нафар трибунал аъзосидан иборат қилиб ташкил этилди. Олий ҳарбий-инқилобий трибуналнинг Вақтли низомига мувофиқ, 1921 йил октябрига қадар уни Бухоро ревкоми бошқарди. 1921 йил сентябрда Бухоро ревкоми тугатилиб, Бутунбухоро Марказий Ижроия Комитети ташкил этилди (БХСР МИҚ, Бух МИҚ).

Бухоро Марказий Ижроия Комитети Президиумининг 1921 йил 17 октябрдаги қарорига мувофиқ БХСР Олий ҳарбий-инқилобий трибуналининг номи “БХСР Адлия халқ нозирлиги қошидаги ҳарбий трибунал”, деб ўзgartирилиб, БХСР

Ҳарбий трибуналининг низомини тасдиқлади [2.7]. БХСР Ҳарбий Трибунали ҳужжатларида унинг кўпроқ БХСР Инқилобий ҳарбий трибунал (Реввоентрибунал), деб номланиши учрайди. Бухоро инқилобий ҳарбий трибунали раис, икки нафар аъзо ва бир нафар аъзоликка номзоддан иборат таркибда ташкил топган. Уларни БХСР Адлия Халқ нозирлиги тавсиясига биноан БХСР Халқ Нозирлар Кенгashi тасдиқлаган. Инқилобий трибунал судлари сиёсий жиноят ишларини ҳамда ҳарбий жиной ишларни кўриб чиқкан. 1922 йил 1 июлда БХСР Инқилобий трибунал фаолияти БХСР Ҳарбий Кенгashiга топширилган [3.1,11]. 1922 йил 14 октябрдаги Бутун Бухоро МИҚ юғилиш БХСР Инқилобий-ҳарбий трибунал бевосита – Бутун Бухоро МИҚга бўйсунишини белгилаб кўйди [2.58].

1922 йил 18 декабрда Бутун Бухоро МИҚ, Халқ Нозирлари Кенгashi ва БХСР Мехнат Комитетларининг бирлашган юғилишида БХСР инқилобий трибуналининг янги низоми қабул қилинди [2.2]. 1923 йил 4 январда БХСР Ҳарбий Революцияси Советининг 1-сонли буйруғи билан БХСР инқилобий ҳарбий трибунали БХСР Революцион Ҳарбий Совети ихтиёрига берилди [2.43].

1923 йил 16 июлда БХСР Халқ Нозирлар Кенгашининг юғилишида БХСР Инқилобий-ҳарбий трибунали БХСР Инқилобий трибунали деб номланиб, БХСР Адлия Халқ Нозирлиги

С.Хошимов – АйДУ, тарих фанлари номзоди, доцент.

ихтиёрига ўтказилди [2.120].

1924 йил 5 январда “БХСР суд тузилиши түғрисида йўриқномаси” қабул қилинди. Унга кўра БХСР суд тузилишида қозилик судлари ўрнига халқ судлари ташкил этилиб, қонуннинг 2-бандида ҳарбий инқилобий трибуналлар фаолият кўлами чекланиб, уларга фақат Қизил Армия ва милицияга қарши қаратилган жиной ишларни кўриб чиқиши масаласи юкланди [4.246-257]. Бутун Бухоро МИҚ ва БХСР Халқ Нозирлар Кенгашининг 1924 йил 4 октябрь кунги 83-сонли қарорига мувофиқ 1924 йил 8 октябрдан БССР Инқилобий трибунали тутатилди [5.35].

Бухоро “инқилобий” трибунали ўз фаолияти давомида кўплаб бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди. Жумладан, 1922 йил 1 декабрда БХСР Инқилобий трибуналиниң навбатдаги ҳукми билан Жўрақулов, Хасанов, Мухаммедов, Абдуқодиров, Якубов Азимжон, Имлеева, Абдулазизов, Юлчибоев, Ширмонбоев, Ишбеков, Рустамов, Раҳимбердиев Сафар, Бобокаримов Ҳусайн, Гадоев Ҳусайн, Мирзаев Ҳасан, Ўринбой Норматов, Абдуқодир Абдурасулов, Бердиназар Ҳақназаров, Ҳамид Абдужалилов, Шоҳмуров Мумляқ, Ҳошиммуҳаммедов, Эгамбердиев, Ҳожибоев, Жўрабой Ҳамрақулов, Ражабов Шариф, Очилди Бойманов, Абдукарим Жўрабоев, Дўсатов, Қудратов, Шодмонқулов, Бўтабеков, Юсутаев, Ахмадқуловларни “босмачилик” ҳаракатида иштирок этган ёки “босмачилар”га ёрдам берганлиқда айбланиб, З йилдан 5 йилга қадар кучайтирилган назоратдаги қамоқ жазосига тортилди [6.97-102].

Бухорода совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, қуролли ҳаракат қатнашчиларини жисмонан йўқ қилишда Бутунбухоро Фавқулодда комиссияси (ЧК) таянч вазифани бажарди. БХСР Нозирлар кенгашининг 1920 йил сентябрдаги қарори билан Бутун Бухоро ЧКси фаолият бошлаган ва 1922 йил 1 августга қадар фаолият олиб борган [7.171]. Бутун Бухоро ЧКси раислари бўлиб кўрилаётган даврда Иброҳимов Ҳусайн, Аминов Мунитдин, Мақсумходжаев Муҳитдин, Хидиров Бобоназарлар ишлаганлар [8.365]. Бухоро (Янги Бухоро) вилояти ЧКси 1921 йил 25 майда ташкил этилган. Бухоро вилояти ЧК раиси этиб Юсупов М. тайинланган [9.1].

БХСР ҳукумати ГПУси 1923 йил 30 августдан 1924 йил декабрга қадар фаолият юргизиб, унинг бошлиғи сифатида Рафиқов Раҳмат фаолият олиб борган [9.1].

1922 йили Шарқий Бухорода* Фавқулодда Диктаторлик комиссияси ташкил этилиб, у чекланмаган ваколатга эга бўлган. Бу комиссия зиммасига қандай йўл билан бўлмасин бутун Шарқий Бухоро худудида совет ҳокимиятини тиклаш ва уни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган. Ушбу орган 1924 йил июнда тутатилиб, унинг вазифалари Шарқий Бухоро милиция бошқармаси ва ГПУ (Шарқий Бухоро ГПУ 1922 йил февралда ташкил этилган: унинг раислари сифатида Я.К.Ольский (02.22-01.23), С.Ф. Пинталь (01.23-05.24), Ф.Д. Медведь (05.24-3.12.25), Р.А. Пилляр (28.12.25-19.11.26) фаолият олиб борганлар)га юкланди [8.364].

БХСР ЧКси, ГПУларнинг раислари Бухорога Марказдан тайинланган. Марказдан юборилган чекистлардан ташкил топган Бухоро ЧК, ГПУлар “миллий аксилинқилобий” ҳаракатларга қарши шафқатсиз кураш олиб борган.

ЧК, ГПУ раислари рўйхатидан шу аён бўладики, кўпроқ европа миллатига мансуб кишилар ушбу органни бошқарганлар. Улар на маҳаллий миллат вакиллари тилини, на диний қадриятлари ва урф-одатларини билганлар, улар қандай қилиб бўлмасин фақат большевистик ҳокимияти зўрлик, куч ишлатиш, террор, кўрқитиш йўли билан шўро ҳукумати сиёсатини ўлкада мустаҳкамлаш учун жон-жаҳдлари билан хизмат қилганлар. Бироқ, бу чекистларнинг барчаси кейинроқ ўзлари қўллаган тузум, репрессив сиёсатнинг курбони бўлганлар.

“Бухоро ахбори” газетасида ёзилишича, 1920 йил 6 ва 9 сентябрда Бухоро Марказий фавқулодда текширув комиссияси (Бухоро ЧК) томонидан йирик уламолар: қозикалон Мулла Бадриддин, домла Фахриддин, Қори Амин Исроифил ўғли, Мирзо Сафар бий Шариф ўғли, Мирзо Омон Бурҳон ўғли, Аҳадхўжа Азизхўжа ўғли ва бошқалар аксилинқилобчиликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган [10.]. Бундан ташқари, 1920 йил 18 октябрда бўлган Ревтрибунал мажлисида Қозикалон Бурхониддин, раис Мулла Асомиддин, Аҳрорқул Тўқсанбек, Усмонбек қушбеги, Ҳожи

*Шарқий Бухоро – Шўро ҳокимияти томонидан йурта Осиёда амалга оширилган миллий-худудий чегараланишга қадар, яни 1920 йилгача Бухоро амирлиги, сўнгра Бухоро Республикаси таркибиға кирган худудлар – ҳозирги Марказий ва Жанубий Тожикистон, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Қашқадарё вилоятининг бир қисми, Вахш, Коғондирниҳон, Ҳисор, Кўлоб, Денов, Термиз, Душанбе каби худудларни англатувчи географик атама. Шарқий Бухоро таркибиға ўша даврда 5 та вилоят (уезд): Душанбе, Кўлоб, Фарим, Кўргонтепа, Сариосиёлар кирган.

ТАРИХ

Қаршибек каби Бухоронинг кўплаб машҳур кишилари 24 соат ичидаги қатл этилади. “Бухоро ахбори” газетасининг 21 ноябрдаги сонида Бухорода қатл қилинган аксилиниқтобий ҳаракат қатнашчиларидан 29 кишининг ҳам исм-шарифи келтириб ўтилади [11].

1922 йил ёзида Бухоро шаҳрида яширин фаолият кўрсатган миллӣ ташкилот фаоллари ва унга хайриҳоҳ кишилар қамоқقا олинади. Даврий матбуотда маҳфий ташкилот фаолияти, ташкилотнинг дастури (маромномаси), унинг раҳбарлари ва фаол аъзолари, уларнинг куролли қаршилик ҳаракати қатнашчилари билан алоқаси ҳақида муҳим маълумотлар эълон қилинган. Ташкилот фаолиятини ўрганиш учун БХСР ҳукумати Муҳторжон Саиджонзода, Абдураҳим Юсуфзода, Абдурауф Фитратдан иборат маҳсус комиссия тузади. Комиссия ўз хulosаларини бергач, улар ҳам матбуотда эълон қилинган [12.90-93].

Большевикларнинг маҳсус органлари томонидан олиб борилган текширувлардан сўнг Эски Бухорода фаолият олиб борган маҳфий ташкилотнинг аъзоларидан Абдураҳмон Назиржон ўғли (Бухоро амирининг амакиваччаси) – ташкилот раиси, Гуломжон Маҳдум Саъдулла ўғли – раис ўринбосари, Исматжон Ҳикмат ўғли, Қори Самиъ Шариф ўғли – ташкилотнинг бош котиби, Абдулнаим Шариф ўғли-муҳбир, Мирза Баҳром Сафар ўғли – маълум вақт ташкилотни бошқарган, Қори Яхё Гадой Мурод ўғли – Хўжам жаҳон (Фиждувон)да ташкилот бўлнимини очган, Мирзо Абдулшокир Мирза сафар ўғли, Абдулвоҳиджон Абдулмўминжон ўғли (амирнинг амакиваччаси), Мусо Ҳўжаларни куролли қаршилик ҳаракати қатнашчиларини ғоявий руҳлантирганликда, улар билан ёзишмалар олиб бориб, маҳфий маълумотларни етказиб турганликда, қуроляроғ билан тъминлаганликда, молиявий кўмак берганликда айбланиб, отишга хукм қилинганлар [13].

1922 йил 17 июлда ташкилотнинг ушбу 10 нафар аъзоси Бухоро шаҳри деворлари олдида Бутун Бухоро фавқулодда комиссияси томонидан намойишкорона тарзда отиб ташланганлар. “Красная звезда” газетасида ёзилишича, отиб ташланганлар орасида Фиждувон ревкомининг раиси Қори Оқил, Фиждувон ЧКнинг раиси Абду Шукур каби БХСР ҳукуматида масъул лавозимларда ишлаган миллӣ раҳбар ходимлар билан биргаликда ташкилотнинг раиси –Абдураҳмон (амирнинг куёви ва амакиваччаси бўлган),

Абдулвоҳидхон (амирнинг амакиваччаси), Мирзо Баҳром (амирнинг собиқ мирзаси) бўлган [14.]

Ташкилот фаолияти чекистлар томонидан кейинчалик яна жиддий текшириб чиқилгач, ташкилотга ёрдам берган Қози Камолиддин ташкилотчилик қилганлиги учун 5 йил муддатга озодлиқдан маҳрум этилган. Маҳфий ташкилотнинг бошқа аъзолари ҳам қатағон қилинган.

Бухородаги қатағон сиёсатининг ижрочи органларидан яна бири Диктаторлик комиссияси эди. 1922 йил бошларида Шарқий Бухорода вазият истиқполчилар, яъни, куролли ҳаракат қатнашчилари фойдасига тубдан ўзгаргани сабабли Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси, БХСР Халқ Нозирлари Совети ва Бухоро Коммунистик партияси Марказий комитети (БКПМК) 1922 йил 2 январда бўлган қўшма мажлисида БХСР МИҚнинг Шарқий Бухоро бўйича фавқулодда Диктаторлик комиссиясини тузишга қарор қиласди.

БХСР МИҚ 1922 йил 8 январда Диктаторлик комиссиясининг инструкцияси (қўлланмаси)ни тасдиқлади. Унда Шарқий Бухоро туманларида инқилобий тартиб ўрнатиш, бутун кучни “босмачилар”ни тор-мор қилишга сафарбар этиш ва совет ҳокимиётини тиклаш комиссия олдига асосий вазифа қилиб кўйилади ва унинг ҳуқуқлари, ваколатлари ва функциялари батафсил баён қилиб берилади. Комиссия таркибига Носир Ҳакимов (раис), Олимжон Ақчурин (раис муовини), Рашид Боймуродов, Аҳмад Комилов, Хожа Самандаров, Зайнуллаҳожи Зикриёев (аъзолари) киритилган [2.42].

Ушбу инструкцияга кўра, “Бутун Бухоро МИҚ Шеробод, Ҳисор, Ғарм ва Кўлоб вилоятлари Диктаторлик комиссиясига батамом бўйсунади”, деб белгиланди. “Бундан ташқари, комиссия зиммасига, конституцион қонунларни бекор қилмаган ҳолда Қарши, Шаҳрисабз, Карки вилоятларида ҳам тартиб ўрнатиш вазифаси юклатилади” [2.114]. Комиссияга бу вилоятлардаги ижроия комитетларини тугатиш ва уларнинг ўрнига революцион комитет (ревком)лар тузиш ҳуқуқи берилади [2.236].

1922 йил 1 февралда РКП(б) МК Сиёсий бюроси қабул қилган “Бухоро масаласига доир” қарорда “босмачилик”ни тугатиш БХСРдаги совет ва партия органларининг асосий вазифаси эканлиги таъкидланади [15.623]. Диктаторлик комиссияси ўз фаолиятида марказнинг ушбу қарорига тўлиқ амал қилган

ҳолда Бухорода совет ҳокимиютини ўрнатиш ва мустаҳкамлашга кўмаклашди.

1922 йил 10 марта Диктаторлик комиссияси томонидан Бойсун ва Шеробод вилоятлари аҳоли вакиллари иштирокида маҳсус кенгаш ўтказилди. Кенгаш тугагач, унинг иштирокчилари Шарқий Бухорога жўнаб кетишади. Жумладан, Диктаторлик комиссияси раиси Носир Ҳакимов Душанбега, Олимжон Акчурин эса Бойсунга сафарбар қилинади. Диктаторлик комиссиясининг Шарқий Бухорода совет ҳокимиютини ўрнатиш, ерли халқни қирғин қилишда “жонбозлик” кўрсатишига қарамай, 1923 йил кузида янги Қизил армия қисмларининг ўлкага ташлангани боис, устунлик аста-секин Қизил армия томонига ўта бошлади. Бу пайтда В.М.Мулик ва Н. Куглеев сингари Марказдан юборилган большевиклар Диктаторлик комиссияси раисининг ўринбосари лавозимида ишладилар. Улар қуролли ҳаракат қатнашчилари ўртасига нифоқ солиш, турли ваъдалар бериш ва авфлар ваъда қилишиб, кўплаб ҳаракат қатнашчиларини ўз томонига оғдиришга уринганлар.

1924 йил май ойининг бошларида Душанбе вилоятида 15 та қўрбоши таслим бўлди. Улар орасида аввал қуролли ҳаракат қатнашчилари томонига қочиб ўтган Янгибозор ревкомининг собиқ раиси Қурбон Али, кўлоблик Ёрмуҳаммад Салимбой, унинг акаукалари Хонжон (Жонхон) ва Алланазар (60 йигити билан)лар ҳам бўлган [16.17]. Шундай қилиб, Шарқий Бухородаги Диктаторлик комиссияси ўз фаолиятини 1924 йил 7 июня қадар олиб борган. Бу давр ичida комиссия кўплаб ерли халқ вакилларига нисбатан амалга оширилган қатағонларнинг тепасида турган.

Хуллас, совет ҳокимиюти томонидан БХСРда ташкил этилган “Инқилобий трибуналлар”, ЧК, ГПУ ва Шарқий Бухородаги Диктаторлик комиссиялари турли таъқиб ва тазиикларни қўллаб, халқнинг турли қатламларини ўзининг репрессив сиёсати қурбонига айлантириб бўлса-да, Бухорода совет ҳокимиютини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган большевистик сиёсатнинг ижроилари бўлганлар.

Адабиётлар:

1. Ўз Р МДА, 712-фонд, 1-рўйхат, 95-иш, 1713-фонд, 1-рўйхат, 6-иш.
2. Ўз Р МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 1-иш.
3. Ўз Р МДА, 1713-фонд, 1-рўйхат, 6-иш, 89-иш.
4. Ўз Р МДА, 64-фонд, 1-рўйхат, 10-иш
5. Ўз Р МДА, 41-фонд, 1-рўйхат, 548-иш
6. Ўз Р МДА, 344-фонд, 1-рўйхат, 10-иш
7. Арипов Р., Милштейн Н. Из истории органов госбезопасности Узбекистана (Документальные очерки истории (1917-1930гг)). – Т.: Узбекистан, 1987.
8. Скоркин К.В. На страже завоеваний Революции. Местные органы НКВД-ВЧК-ГПУ РСФСР. 1917-1923: Справочник. – М.: ВивидАрт, 2010.
9. “Известия ЦК Бухарской КП и Центрального Ревкома БНСР”, №18, 19.05.21.
10. Бухоро ахбори, №3, 1920 йил 29 сентябрь
11. Бухоро ахбори, №8, 1920 йил 21 ноябрь.
12. Бу ҳақда қаранг: Босмачиларнинг маҳфий ташкилоти ҳақида (расмий маълумот) // Бухоро ахбори, №95, 1922 йил 12 август. Мўминов Д. Ўрта ва Шарқий Бухорода Қизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920-1926 йиллар): тарих фан. номз. ...дисс. – Т., 2010.
13. Бухоро ахбори, №95, 12 август, 1922 йил.
14. Открытие басмаческой организации в Старой Бухаре // Красная звезда, №21, 3 августа 1922 г.
15. История Коммунистической партии Советского Союза. В шести томах. -Т.4. -1921-1937 гг. Кн.1 (1921-1929гг.). – М.: Политиздат, 1970.
16. Ўз Р МДА, 48-фонд, 1-рўйхат, 75-иш.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).